

ХДП

1918-йил
21-iyundan chiqqa
boshlagan

№20, 2023-йил
31-may,
chorshanba (32.766)

O'zbekiston OVOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik – davlatning burchi



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING XIII ҚУРУЛТОЙИ БЎЛИБ ЎТДИ

2023 йил 29 май кuni Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг XIII Қурултойи бўлиб ўтди.

Унда партия аъзолари томонидан хуудлардан сайланган делегатлар, партия Марказий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, экспертлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Қурултой кун тартибида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳамда номзоднинг дастури тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Қурултойда 2023 йил 9 июль кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови миллий сайлов қонунчилигининг янги тамойиллари, умумэтироф этилган халқаро стандартлар асосида очиқ ва шаффоф ўтказилиши, сайлов кампанияси даврида барча сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган номзодлар учун соғлом рақобат муҳити, тенг шароитлар таъминланиши таъкидланди.

Давоми 2-бетда. ▶

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ биринчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ биринчи ялпи мажлиси 2023 йил 1 июнь кuni соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида жорий йилнинг 1-2 июнь кунлари ўтказилиши режалаштирилган.


Ялпи мажлис Сенатнинг YouTube тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

ЎЗА.



АРЗОН ЭНЕРГИЯ

6 САҲИФА



БОШҚАЧА
ФИКРЛАШ
ЖУРЪАТДИР

7 САҲИФА

Жойларда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ўқув-амалиёт машғулоти бўлиб ўтмоқда

Республикаимизнинг барча вилоятларида жорий йилнинг 29-30 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 19 майдаги "Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида"ги 1261-сон қарори билан тасдиқланган "Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш Коцепцияси"га мувофиқ, 104 нафар республика тренерлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида 944 нафар ҳудудий тренерлар учун икки кунлик ўқув-дастурига асосан ўқув-амалиёт машғулоти ўтказилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси
Матбуот хизмати.



САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИ ОШИРИЛАДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши медиа-марказида "Сайловга тайёргарлик жараёнларида хотин-қизлар ва ёшларнинг фаоллигини ошириш" мавзусида очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъуллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлис ҳамда Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент вилоят Кенгашлари депутатлари, партиянинг "Аёллар" ҳамда "Ёшлар" қанотлари фаоллари, ОАВ ходимлари иштирок этган тадбирни кириш сўзи билан Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарипов Фирдавс Холназарович очиб берди. Фирдавс Холназарович ўз сўзида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловга тайёргарлик кўриш жараёнлари, бунда хотин-қизлар ва ёшларнинг фаоллигини ошириш масалалари ҳақида гапирди.

Йиғилишда таъкидланганидек, сўнгги вақтларда жамиятда аёлларнинг мавқеи мустақамланиб бормоқда. Давлат ташкилотлари, жамоат

хизматларида аёллар кенг фаолият кўришмоқда, бошқарувдаги роли ҳам ортиб бормоқда. Ёшлар масаласи ҳам ҳамisha давлатимизнинг эътиборида. Шу боисдан ҳам сиёсий жараёнда хотин-қизлар, ёшларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг ўз конституциявий ҳуқуқидан эркин фойдаланиши, ўзлари танлаган номзодга овоз бериши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, сайловга тайёргарлик жараёнларига кенг жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадбирда қатнашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Қодирхонова Малика Акбаровна хотин-қизлар ва ёшларнинг сайлов жараёнларида фаол иштирок этишини таъминлаш юзасидан ўз тавсияларини берди. Сайлов қонунчилигига киритилган янгиликлар тўғрисида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилбар Мамаджанова ҳам ёшларга гапириб берди.

Учрашув самимий, савол-жавобга бой тарзда кетди. Олий Мажлис ҳамда Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари муҳим сиёсий жараёнда зарур тавсия ва янгиликлар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишди.

Ўз мухбиримиз.

SAYLOV

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ХІШ ҚУРУЛТОЙИ БЎЛИБ ЎТДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА МИЛЛИЙ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА АМАЛИЁТ БОЙ АМАЛИЙ ТАЖРИБА, ХАЛҚАРО САЙЛОВ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШИБ БОРАЁТГАНИ, ФУҚАРОЛАРНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХАБАРДОРЛИГИ ВА ФАОЛЛИГИ ОРТГАНИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КАТТА ТУРТКИ БЕРАЁТГАНИ, МАНА ШУНДАЙ МУҲИМ ДАВРДА ЎТАЁТГАН ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИШ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ҲАР БИР АЪЗОСИ ЗИММАСИГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАШИ ҚАЙД ЭТИЛДИ.

Қурултойда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги масала атрофлича муҳокама қилинди. Партия Марказий Кенгашининг жорий йил 12 май куни бўлиб ўтган пленумида Халқ демократик партиясидан партия Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Улуғбек Илясович Иноятов номзодини илгари суриш ҳақида қарор қабул қилинган эди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига мувофиқ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ваколатли вакили Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат сўраб Марказий сайлов комиссиясига ҳужжатларни топширди. Ҳужжатларни ўрганиб чиққан Марказий сайлов комиссияси ЎзХДПнинг 2023 йил 9 июль куни бўлиб ўтadиган Президент сайловида иштирок этиши учун ижозат берди.

Сўзга чиққан партия фаоллари Улуғбек Иноятов номзодини қўллаб-қувватладилар. Қурултойда номзод масаласи бўйича муҳокамалардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Халқ демократик партиясидан Улуғбек Илясович Иноятовни номзод сифатида кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Қурултойда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг Дастури тўғрисидаги масала ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Номзод дастурида кўзланган асосий

«Давоми, бошланғич 1-бетда»



мақсад мамлакатимизда ижтимоий адолат, ижтимоий тенглик ва халқ ҳокимиятчилиги мезонларига мос келадиган демократик ижтимоий давлатни барпо этишдир.

Дастулда давлат ва жамиятни ривожлантириш, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш йўналишларида 100 га яқин тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилмоқда. Хусусан, ижтимоий давлатчилик пойдевори, барқарор жамият ва фаровон турмуш асоси сифатида кучли ижтимоий сиёсат соҳасида пенсия тизимини такомиллаштириш, "Энг кам истеъмол харажатларини белгилаш тартиби тўғрисида"ги, "Кўп квартирали уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш кўшган ҳолда қўришда иштирок этиш тўғрисида"ги, "Уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш, тиббий хизматларни рақамлаштириш, мактаблар ўқув дастурларида чет тиллар ва IT бўйича ўқув соатларини кескин кўпайтириш, ижара компенсация тизимини докторантларга нисбатан ҳам жорий этиш, пенсионерларнинг ҳаёт даражасини яхшилаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш каби ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Барқарор тараққиёт ва ижтимоий фаровонлик асоси сифатида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш мақсадида иқтисодиётда давлатнинг фаол роли ва иштирокини сақлаб қолиш, маҳаллий инвесторларга хорижий инвесторлар билан бир хил имтиёзлар бериш, қимматбаҳо мол-мулк учун солиқ жорий этиш, Интер-

нет, ижтимоий тармоқлар орқали тижорий фаолият, реклама билан шугулланаётганлар даромадларини солиққа тортиш, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар шугулланиши мумкин бўлган соҳаларни ҳамда ўзини ўзи банд қилган деб ҳисобланадиган фаолият турлари рўйхатини кенгайтириш каби ташаббуслар ўрин олган.

Қонун устуворлигини, тенглик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш гарови сифатида суд-ҳуқуқ ислохотларига ҳам номзод дастурида алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу йўналишда вилоят, туман (шаҳар) судлари раисларини ҳар йили ротация қилиш, одил судловни амалга оширишда ҳакамлар ҳайъати институтини жорий қилиш, соҳавий назорат органлари (инспекциялар) фаолиятини кучайтириш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини амалга оширилишида жамоатчилик назорати ва меҳнат инспекциясининг ролини ошириш, тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш йўлакларини хатловдан ўтказиб, светофорлар билан жиҳозлаш бўйича дастури қабул қилиш каби бир қатор янги ва муҳим тақлиф-ташабуслар ўрин олган.

Номзоднинг дастурида ижтимоий тенгликка ва халқ ҳокимиятчилигига асосланган демократик бошқарув тизимини ислоҳ этиш бўйича ижро ҳокимияти томонидан муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш, айрим давлат функцияларини босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига ўтказиш, давлат бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг бевосита иштиро-

қини кенгайтириш ҳамда сиёсий партиялар, уларнинг депутатлик бирлашмаларининг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш каби тақлифлар илгари сурилмоқда.

Дастулда очиклик ва миллий манфаатлар устуворлигига асосланган конструктив ташқи сиёсат масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, ушбу йўналишда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатларга қўшилиш, Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг фаолиятида очиклик ва ошқораликни таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш каби тақлифлар илгари сурилмоқда.

Қурултой делегатлари номзод дастури Халқ демократик партиясининг устувор дастурий ғоя ва мақсадларига мос эканини, дастурида партия электорати, аҳолининг эҳтиёж-манд қатлами ҳуқуқ ва манфаатлари биринчи навбатда ҳисобга олингани қайд этилди.

Шу билан бирга, делегатлар номзод дастурини шакллантириш бўйича республикамизнинг барча ҳудудларида изчил иш олиб борилган, партия аъзолари, хайрихоҳлар, бошланғич ташкилотлардан тортиб, ҳудудий кенгашларгача тақлифлар олинган, дастурида партиянинг кўп минг сонли аъзолари фикри ва қарашлари ўз ифодасини топаётганини таъкидлашди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Халқ демократик партиясидан кўрсатиладиган номзоднинг дастури ҳам тасдиқланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ахборот хизмати.



Шарофиддин НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси:

— Бугун биз сизлар билан яна бир муҳим сиёсий тадбир – муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови олдидан учрашиб турибмиз.

Бугунги йиғилишимизда партияимизнинг ушбу сайлов кампаниясида муваффақиятли иштирок этиши билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинмоқда, режалар, дастурилар ва ғоялар ўртага ташланмоқда.

Халқимиз яқдиллик билан, ижтимоий бирдамлик билан сиёсий жараёнга, мамлакатимиз тақдири ва келажига дахлдор бўлган Конституцияни қўллаб-қувватлади. Юқорида сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, партияимиз референдум натижаларини халқимиз сиёсий иродасининг олий ифодаси, деб билади.

Барчамизга маълумки, Конституциямизга биноан Президент сайловининг асосий субъекти сиёсий партиялардир.

Демак, мамлакатимиз сиёсий майдонида ўз ўрни ва мавқега эга, барча сайловларда фаол қатнашиб келаётган партия сифатида Ўзбекистон Халқ демократик партияси

сайловда ўз нуфузига муносиб тарзда иштирок этиши лозим.

Юқорида таъкидлаганидек, масъулиятли сиёсий жараёнда муносиб қатнашиш учун партияимиз барча имкониятларини сафарбар этади, чунки салоҳиятни тўла ишга солиш орқали кутилган натижага эришиш мумкин.

Улуғбек Илясович кўп йиллардан бери давлатимиз ва жамиятимиз учун фидокорона хизмат қилиб келмоқда. Унинг таълим ва партияимиз ривожига қўшган ҳиссаси катта.

Номзоднинг дастури билан танишар эканмиз, партияимизнинг электорати манфаатларидан келиб чиқиб ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантириш устувор йўналиш этиб белгиланганлигини кўриш мумкин.

Бунда иқтисодиётда давлатнинг фаол роли ва иштирокини сақлаб қолиш кераклиги ҳақидаги тақлифлари молиявий инкирозларнинг олдини олиш учун давлатнинг тартибга солувчанлик функцияларидан тўлиқ воз кечмасликка хизмат қилади.

Шу билан бирга, барча турдаги жарима, давлат бож, йиғим ва бошқа тўловларни алоҳида давлат органларининг бюджетдан ташқари жамғармаларга эмас, балки Давлат бюджетига йўналтириш лозимлиги ҳақидаги ғояни алоҳида қайд этмоқчиман. Албатта, бу пуллар Давлат бюджетига келиб тушиши ва аҳоли ўртасида адолатли тақсимланиши лозим. Бу ўз навбатида алоҳида тор идоравий манфаатлар орқасидан қувишни бартараф этади, давлат хизматчисини ундириладиган жаримага боғлиқликдан халос этади, холисликни таъминлайди.

Дастурида эътиборга сазовор яна кўплаб ғоялар илгари сурилган, лекин вақт чекланганлиги сабабли уларнинг барчасига тўхталиб ўтолмайман.

Қадрли дўстлар, бугунги қабул қилинадиган қарорларни ҳамда партияимизнинг номзодини қўллаб-қувватлаган ҳолда, режа ва дастурилар доирасидаги барча тадбирларнинг юқори савияда, сайлов қонунчилигининг асосий тамойил ҳамда талабларига мос равишда ўтишини таъминлашга ўз ҳиссасимизни қўшамиз.



Олим РАВШАНОВ,
ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати, партия гурӯҳи раҳбари:

— Мамлакатимизда яна бир муҳим сиёсий имтиҳон – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўрилоқда.

Сайлов, бу – шунчаки расмий тадбир эмас, балки мамлакатимиз ҳаётидаги улкан сиёсий воқеа, Ватанимиз равнақи, тараққиёти, барчамизнинг эртанги кунимиз айна мана шу билан бевосита боғлиқ.

Шу билан бирга сайлов сиёсий партия учун имконият дегани. Партияимиз ҳам ушбу имкониятдан тўғри фойдаланиши керак.

Партияимиз учун аввалги йилларда бўлгани каби, ўсиб бораётган партиялараро рақобат шароитларида ташкил этиладиган сайлов кампанияси жиддий имтиҳон бўлиши билан бирга ўйлаймизки, ҳеч шубҳасиз, бугун кўриб чиқиладиган барча масалаларнинг муҳокамаси, партияимиз олдида турган устувор вазифаларни ҳал қилишнинг оқилона йўлларини белгилаб олиниши келгусида партияимизнинг юксак марраларга эришишига сабаб бўлади.

Бу жараёнларда Халқ демократик партиясининг парламентдаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари кенгашларидаги партияимиз гурӯҳлари Президентлик сайловида фаол иштирок этади.

Шу ўринда партияимиздан Президентликка номзод сифатида кўрсатилаётган Улуғбек Илясович ҳақида ҳам тўхталиб ўтсам.

У киши жуда самимий, оддий, очикқўнгил инсон. Шу билан бирга, ўз принципларига содиқ, профессионал, қатъий сиёсий позициясига эга, партия электорати манфаатларини собитқадамлик билан илгари сура олади. Кўп сонли партия аъзолари ва аҳоли ўртасида ҳурмат ва эътиборга эга.

Бугун партияимиздан Президентликка номзоднинг дастури эътиборимизга ҳавола қилинди. Дастурида ижтимоий давлат ривожланишининг истиқболлари изчиллик билан баён этилди.

Рухсат берсангизлар дастурининг суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган айрим жиҳатларига тўхталсам.

Дастурида вилоят, туман (шаҳар) судлари раисларини ҳар йили ротация қилиш амалиётини жорий этишни тўғри тақлиф, деб ҳисоблайман. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва объективлигини таъминлашда кадрларнинг алмашиб турилиши аҳамияти катта.

Бу ўз навбатида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олади, таниш-билишчилик каби салбий, жамиятни емирадиган иллатларнинг ривожланишига йўл қўймайди.

Шу билан бирга, "Хабеас корпус" институти қўлланишини янада кенгайтириш, одил судловни амалга оширишда ҳакамлар ҳайъати институтини (суд присяжных) жорий қилиш ҳақидаги тақлифлари ҳам ҳозирги замон реаликарига мос келади. Бунинг натижасида суд ишларини кўриб чиқишда жамоатчиликнинг иштироки ва холислик таъминланади.

Бир сўз билан айтганда, Улуғбек Илясович муносиб номзод, уни ва унинг дастурини қўллаб-қувватлайман.

ЭЛЕКТОРАТИМИЗ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ



Олим ТҲЙЧИЕВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
"Ўзметкомбинат" акциядорлик
ишлаб чиқариш бирлашмаси
электрда пўлат эритиш цехи
пўлат эритувчиси:

— Мен кўп йиллардан бери шу партиянинг аъзосиман. Биласизми, партиянинг бир бўлаги бўлиш ҳам бир бахт. Чунки партиянинг бир ажойиб хусусияти бор. Таклифлар, ташаббуслар, фикрлар пастдан юқорига қараб йўналади.

Қурултойда тасдиқланган номзоднинг дастури партиянинг энг қуйи ташкилотларидан бошлаб шакллантирилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Маҳаллалар, бошланғич ташкилотлардан тортиб то Марказий Кенгашигача бўлган тузилмаларимиз, партия электорати, аъзолари ва хайрихоҳларимиз ҳам ўзларининг фикр ва таклифлари билан иштирок этишган.

Бугун биз бутун республика бўйлаб келган таклифлар асосида шаклланган дастурни қўллаб-қувватладик.

Дастур ҳақида қисқача тўхтамоқчиман. Дастурда замонавий энг оғиқли масалаларидан бири бўлган коррупцияга қарши кураш мавзуси ўрин олган. Бу таклифни партиядошларимиз ҳам қўллаган.

Коррупция нафақат битта жамиятнинг муаммоси, балки бунга глобал масала десак ҳам бўлади. Ҳамма давлат коррупцияга қарши курашади. Энг ёмони, таълим тизимидаги коррупция. Чунки, коррупцион таълим тизимининг биритувчиси катта эҳтимов билан эртага унинг тарғибот-чиси айланади.

Масалан, битта талаба ўзлаштириши қониқарсиз. Лекин у олий таълимни коррупцион йўллар билан тугатди, деб фараз қилайлик. У эртага қаерда ишласа ҳам коррупцияга мойил бўлади. Сабаби, у етук кадр эмас ва ўз ишини бажаролмайди. Бундай ҳолатда коррупцияга йўл очилади. Шунинг учун бизнингча биринчи навбатда таълим тизими коррупциядан холи бўлиши керак.

Биласизми, таълим яхши бўлса, одамлар ҳам, жамият ҳам яхшиланади. Таълим бўлса, инсон капитали ривожланиб, мамлакатда камбағал қатлам камаёди.

Номзод дастурида коррупцияга қарши кураш, таълимни ривожлантириш бўйича илгари суриладиган таклифлар партияимиз асосий мақсадларига ҳам тўғри келади. Дастурда ҳаётий ғоялар кўп.

Қонунчиликдаги имкониятлардан самарали фойдаланиб, сайлов билан боғлиқ жараёнларни тизимли ташкил қилишимиз зарур.



Виталий КИМ,
"Geotech Group" компанияси
директори, халқ депутатлари Мирзо
Улўғбек туман кенгаши депутати:

— Сайлов ва сиёсий жараёнлар мамлакатда ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ҳаммаиз турли соҳа, турли касб вакилларимиз, фаолиятимиз ва фикрларимиз турлича. Лекин сайлов жараёнларида ҳаммаиз мамлакатнинг кейинги истиқболи, жамиятимиз қандай йўлдан кетиши ҳақида фикр юритамиз.

Бугун қурултойда шу жиҳатдан муҳим қарорлар қабул қилинди.

Номзодимизнинг дастурига алоҳида эътибор қаратдим. Унинг ҳар томонлама мукамал тайёрланганлиги, унда илгари сурилган мақсад ва вазифалар ҳар бир юртдошимизни қизиқтириши, мамлакатимизни янада тараққий эттиришга қаратилган илғор ғоялар билан бойитилганига гувоҳ бўлдим.

Айниқса, ижтимоий бирдамлик таъминлиги алоҳида эътибор қаратилгани мени қувонтирди.

Хабарингиз бор, бугун дунё нотинч, ер шарининг ҳар бир бурчагида таҳлика, хавотир мавжуд. Шундай вазиятда мамлакат ичидаги бирдамлик энг қадрилли бўлади. Юртимизда бугунги кунда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар аҳил истиқомат қилмоқда, шижоат ва ишонч билан фаолият юритмоқда. Қувонарлиси, улар бир оила фарзандларидай бир-бири билан иноқ ва дўстона яшаб келмоқда. Бизнинг юртимиздаги бирдамлик ва миллатлараро тотувликка ҳар қандай давлат ҳавас қилса арзийди.

Халқ демократик партиясининг ижтимоий бирдамлик билан боғлиқ ғоялари шу жиҳатдан жуда ҳаётий, деб ўйлайман.

Қурултойда қўллаб-қувватланган номзодни анча вақтдан бери яхши биламан. У кишининг етакчилиги даврида партияимиз ташкилотлари, депутатлик корпуси фаолияти халқимизга яқинлашди, муносабатларни ҳал этишга, электорат вакилларини қўллаб-қувватлашга эътибор кучайди.

Мамлакатимиз равнақи, халқимиз келажиги учун Президент сайловида миллатидан қатъи назар, барча юртдошларимиз фаол қатнашади, деб ишонаман.



Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Хотин-қизлар ва гендер
тенглик масалалари қўмитаси
раиси:

— Ишонч билан айтиш мумкинки, бу йил мамлакатимиз сиёсий ҳаётида катта ўсиш ва давлатчилигимиз ривожига учун ҳам муҳим йил бўлмоқда.

Халқ демократик партиясининг XIII Қурултойини ҳам бирдамлик ва кўтаринки руҳда ўтказиб олдик.

Маълумки, ҳар бир партиянинг ўз электорати бор, умумий маънода партия ўз электоратининг манфаатларини ифодалайди. Яъни, партия фуқароларнинг сиёсий иродасини рўёбга чиқарадиган институтдир.

Номзоднинг дастуридаги ижтимоий йўналтирилган давлат қуриш ғоясининг ортида ҳам партия электоратининг манфаатлари уфуриб турибди.

Номзоднинг дастуридан 9 та йўналишдаги ғоялар ўрин олган. Ҳар бир йўналишдаги ғоялар фақатгина жамият ҳаётини яхшилашга, юксалтиришга қаратилган.

Дастурнинг ҳар битта бўлимида ижтимоий адолат, ижтимоий тенглик ғояларига асосланган сиёсатни олиб бориш ва демократик ижтимоий давлатни барпо этиш энг олий мақсад эканлиги эътироф этилган.

Дилбар МАМАДЖАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Демократик
институтлар, нодавлат
ташкилотлар ва
фуқароларнинг ўзини
ўзи бошқариш органлари
қўмитаси аъзоси:

— Бугунги Қурултойда жорий йил 9 июлда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентлик сайловида иштирок этиш учун муҳим бўлган қарорлар қабул қилинди.

Хусусан, унда партияимиздан кўрсатиладиган номзод ва унинг дастури масаласи кўриб чиқилди ва қўллаб-қувватланди.

Дастур билан танишар эканмиз, электоратимиз манфаатлари билан ҳамоҳанглигига гувоҳ бўламиз. Номзод

дастурида йўналишлар кўп, улар орасида энг биринчилардан ҳал этилиши керак бўлгани – бу уй-жойлар ва коммунал хизматларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлашдир. Сабаби, инсон туғилар экан, унга яшаш ҳуқуқи инъом этилади. Галдаги энг муҳим ҳуқуқ, шубҳасиз, бошланғич ага бўлиш, ўз "ватан"ида тиниб, тинчиб яшашдан иборат.

Умуман, бошқа партияларга нисбатан бизда алоҳида қайд этиш лозим бўлган ютуқ бор. Мамлакатимизда ижтимоий адолат, ижтимоий тенглик ва халқ ҳокимиятичилиги мезонларига мос келадиган демократик ижтимоий давлатни барпо этиш. Сайловчини жалб этади. Халқимиз суйган ғоя.

Айни шу сабабдан ҳам биз бор эътиборимизни сайловолди дастурига боғлиқ жараёнларга жамоатчилик тузилмаларини – партиянинг "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти", биринчи навбатда, барча депутатлик корпусини ҳамда асосий таянчимиз бошланғич ташкилотларни жалб этишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Ишонимизки, партияимизнинг барча депутатлари ҳамда фаоллари сайловолди ташвиқоти вақтида бу каби юксак ғояларни юқори савияда, маҳорат билан сайловчиларга етказиб, партиянинг Президентлик сайловида муносиб иштирокини таъминлашга интиладилар.

Елена БАБЕНКО,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Экология ва атроф-
муҳитни муҳофиза қилиш масалалари
қўмитаси аъзоси:

— Ҳар бир сиёсий партия қонунчиликда белгиланган ваколатдан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида иштирок этишни мақсад қилар экан, ушбу лавозимга ўз электорати, аъзолари ва хайрихоҳларининг хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, энг муносиб номзодни танлаш ва кўрсатиш долзарб масала ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, бугунги Қурултойимизда кўп минг кишилик партияимиз аъзолари орасидан энг муносиби, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган партияимиз Марказий Кенгаши раиси Улўғбек Иноятов Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига номзод сифатида кўрсатилди ва ушбу таклиф барча делегатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ушбу Қурултой Халқ демократик партиясининг дастурий ғояларини жамоатчилиги ораси-

да кенг тарғиб қилиш, мамлакатимиз сиёсий майдонидаги мавқеини ҳамда аҳоли орасидаги обрўсини янада ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини самарали ташкил қилишда муҳим қадам бўлади.

Бўлиб ўтган Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг дастури эътиборимизга ҳавола этилди. Дастурда мамлакатимизда истиқболда бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгиланганлигига барчамиз гувоҳ бўлдик.

Дастурда ижтимоий йўналтирилган иқтисодий сиёсат – кучли ижтимоий сиёсат асосидир, деган ғоя илгари сурилмоқда. Демократик ижтимоий давлат ғояси халқимиз суйган ғоядир. Одамларимиз доимо унга интилган.

Хусусан, маҳаллий инвесторларга ҳам хорижий инвесторларга берилганидан кам бўлмаган имтиёзлар бериш ёки бўлмаса, ундирладиган барча тўловларни Давлат бюджетига йўналтириш муҳим аҳамиятга эга. Умуман дастурда илгари сурилган ғоялар халқчиллиги билан аҳамиятли.

Абдуғаппор ҚИРҒИЗБОЕВ,
Низомий номидаги
Тошкент давлат
педагогика
университети ректори:

— Бугун Қурултойда партияимиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод ва унинг дастурини худудлардан келган делегатлар, партияимиз фаоллари билан атрофлича муҳокама қилдик.

Дастурнинг асосий жиҳатларига тўхталадиган бўлсак, унда фуқароларнинг оғирини енгил қиладиган, уларнинг ҳаётида ижтимоий давлат-

нинг белгиларини кўрсатадиган ғоялар борлигига амин бўлдим.

Айниқса, дастурда таълим соҳасини янада ривожлантириш борасида илгари сурилган истиқболли таклифлар ҳеч қимни бефарқ қолдирмайди.

Жумладан, ёшларнинг касб-хунар танлаши, бепул ва сифатли таълим олиши, ўқув муассасаларини тугатгандан сўнг ишга жойлаштириш кафолатини мустаҳкамлаш ҳамда давлат ҳисобидан олий таълим бериш тизимини такомиллаштириш масаласи принциплар ва ҳал қилувчи

аҳамиятга эга.

Умуман, номзодимиз дастурида бошқа сиёсий партиялар дастурларида учрамайдиган, биз учун ҳамisha устувор йўналиш бўлиб келган жозибдор ғоя ва таклифлар борки, бу ҳам сайловчиларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

Шуларга асосан ҳам амин бўлишимиз керакки, сайлов очиклик, сиёсий рақобат муҳитида ўтади. Мана шундай катта масъулиятли жараёнга ҳар томонлама пухта тайёрланиб киришмоқдамиз. Қурултойда бу бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

ривожланиш йўлидаги жамиятлар учун зарур жиҳат.

Бизда ҳам шундай, ҳар бир сиёсий партиянинг дастури ва ғоялари турлича. Танлаш имкони эса фуқароларда. Улар ўзлари учун муҳим деб ҳисоблаган ғоя ва ташаббусларни қўллаб-қувватлайди.

Қурултойда партияимиздан кўрсатилган номзод ва у илгари сурган дастур яқдиллик билан маъқулланди. Дастур том маънода кенг қамровли ва жамият ҳаётига чуқур назар солинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Умуман олганда, дастурдаги масалаларнинг ҳаммаси ҳаётдан, аъзоларимиз, электорат вакилларидан олинган. Шунинг учун ҳам бугун делегатлар номзод ва унинг дастури борасида яқдил қарор қабул қилиши, деб ўйлайман.



ҒОЯ ВАТАШАББУСЛАР



Шарбат АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент молия институти
ўқитувчиси, иқтисод
фанлари доктори,
профессор:

— Бугунги кунда мамлакатимизда эртанги кунимиз учун муҳим аҳамият касб этувчи сиёсий жараёнлар кечмоқда. Яъни, жорий йилнинг 9 июль куни бўлиб ўтадиган Президент сайлови республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеалик ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов

кодексига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақатгина сиёсий партияларга берилган.

Улуғбек Иноятовни қатъий сиёсий позицияга эга, жамият манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўядиган раҳбар сифатида яхши таниймиз.

Номзодимиз дастурини барчамиз ўқидик, танишдик. Дастурда мамлакатимизда ижтимоий адолат, ижтимоий тенглик ва халқ ҳокимиятчилиги мезонларига мос келадиган демократик ижтимоий давлатни барпо этиш ғояси асосий мақсад қилиб олинган.

Хабарингиз бор, 2023 йил 30 апрелда қабул қилинган янги тахрирдаги Конституцияда Ўзбекистон "ижтимоий давлат" деган конституциявий тамойил муҳрланди ҳамда шунга мувофиқ, давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари уч барабарга ошди.

Илк бор давлат зиммасига аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг ҳаёти сифатини ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш чораларини

кўриш мажбурияти юкланди.

Пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар миқдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. Биринчи марта фақат фуқароларнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи ва уй-жой қурилиши давлат томонидан рағбатлантирилиши, ёшларимизнинг олийгоҳларга танлов асосида давлат гранти ҳисобидан ўқиш каби ҳуқуқлари қатъий белгиланди.

Айни шу масалаларда вазибаларни амалга ошириш борасида номзод ўз дастурида давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини самарали амалга ошириш механизмларини белгилаш ҳамда демократик ижтимоий давлатни барпо этиш учун муҳим устувор йўналишлар белгиланган.

Олдимизда турган сайловда бошқа сиёсий партиялар қаторида Халқ демократик партияси ҳам муносиб иштирок этиши, унда ўз электорати олдида қабул қилинган дастурдаги мақсад ва вазибаларни бажаришга тайёр эканлигини ифода этган ҳолда барчангиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод ва унинг дастурини қўллаб-қувватлайман.



Шоҳида ШОВКИЕВА,
Ўзбекистон давлат санъат
ва маданият институти
4-курс талабаси,
Ёшлар парламенти аъзоси:

— Номзодимизнинг дастурини диққат билан тингладим.

Унда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш бўйича қатор таклифлар киритилгани, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш самарадорлигини ошириш, ёшларнинг касб-ҳунар танлаши, бепул ва сифатли таълим олиши, ўқув муассасаларини тугатгандан сўнг ишга жойлашиш кафолатини мустаҳкамлаш ҳақидаги мулоҳазалари ҳаммамизга маъқул бўлди.

Ҳар ким яхши билим олишга, замонавий таълимдан фойдаланишга ҳақли. Мамлакатимизга билимли, малакали кадрлар сув ва ҳаводек зарур. Қолаверса, болаларни мактабгача таълим қамровини кенгайтириш, боғча ва мактабларда болаларнинг хавфсизлиги ва саломатлиги, санитария-гигиена талабларига риоя этилиши, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган тарбия, таълимнинг юқори сифати ва мазмундорлигини таъминлаш ҳам эътиборга лойиқ.

Бугун минбарга талабалар номидан ҳам чиқдим. Дастурда талабаларнинг дарсни ўзлаштириши ва уларнинг инновацион фаолиятда иштирок этишига қараб, стипендиялар миқдорини белгилаш вазифаси ҳам белгиланган.

Қолаверса, ижара компенсация тизимини докторантларга нисбатан ҳам жорий этиш ҳақидаги таклиф турар жой ва ижара муаммоси билан қийналадиган докторантларимиз учун айни муддао.

Ўйлайманки, дастурдан ўрин олган таклифлар талабалар ва илм аҳли томонидан ижобий қабул қилинади.

Мен, салоҳиятли, билимли ёшларнинг сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари тизимида кўпроқ ишлашлари борасидаги таклифларини тўла қўллаб-қувватлайман. Тенгдошларимизга фойдали ғояларни маҳаллама-маҳалла, лозим бўлса, уйма-уй тарғиб қилиш, тушунтиришга тайёремиз.



» **Дастурда талабаларнинг дарсни ўзлаштириши ва уларнинг инновацион фаолиятда иштирок этишига қараб, стипендиялар миқдорини белгилаш вазифаси ҳам белгиланган.**



Халилла ЕШИМБЕТОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик
партияси Қорақалпоғистон
республика кенгаши
раиси, Қорақалпоғистон
Республикаси Жўқорғи
Кенгеси депутати, партия
фракцияси раҳбари:

— 2023 йил мамлакатимиз тарихида ҳар тарафлама муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларга бой йил бўлмоқда. "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овози бериши орқали қабул қилинди. Халқимиз референдумда ўзининг фаол фуқаролик позициясини ва юксак сиёсий салоҳиятини намойён этиб, келажакда қандай давлатда яшаш истакларини намойён этдилар.

Барчамиз ушбу жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида

Конституциявий қонун лойиҳасини тайёрлаш ва муҳокама қилиш жараёнларида кенг жамоатчиликнинг юксак фаоллигига гувоҳ бўлдик.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Янги тахрирдаги Конституциянинг қабул қилиниши давлатнинг ўз фуқароларига бўлган ғамхўрлигини янада кучайтиради, давлат институтларининг фаолиятлари самарадорлигини янада оширади.

Партиянинг 30 йиллик аъзоси сифатида шуни айта оламаники, партиямиз ўтган йиллар давомида мамлакатимиздаги демократик ислохотларда, ошкоралик, эркинлик асосида ўтказилиб келинаётган барча сайлов жараёнларида фаол қатнашиб келди. Бу жараёнлар партиянинг сиёсий тажрибасини оширди, мафқуравий, ташкилий ва услубий жиҳатдан мустаҳкамлади.

Сайлов – партиямиз учун имконият. Биз партиямизнинг дастурини халқ олдига олиб чиқамиз, бу орқали халқимизнинг ҳошиш-истакларини билиш, фаоллар ва электорат вакилларини кенгайтириш, шу билан бирга, сиёсий платформа-мизни амалга ошириш имкониятига эга бўламиз.

Юқорида таъкидлаганидек, ушбу сайловда ҳам партиямиз томонидан муносиб иштирок этиш бўйича алоҳида тайёргарлик кўрилди.

Шуни айтишим керакки, сайлов жараёнларида, жумладан, партия-мизни қўллаб-қувватловчилар имзосини йиғишда партиямиз сафидаги фаол, фидойи ва масъулиятли инсонлар жонбозлик кўрсатишди. Фурсатдан фойдаланиб, улarga ўз номидан миннатдорчилик билди-раман.

Бугун партиямиз томонидан Президентликка илгари сури-лаётган номзоднинг дастури эъ-лон қилинди. Унда жамиятимизда сақланиб қолаётган муаммолар ва камчиликларга ечим ҳамда так-лифлар илгари сурилмоқда.

Бу партиямизнинг дастурий мақ-садларига ҳам мос таклиф бўлиб, республика бўйича 10 мингдан ортиқ мактабларни қамраб олиш-ни талаб этади. Бу ўз навбатида 6 млндан ортиқ ўқувчи ва 500 мингдан ортиқ муаллимлар ҳаётига бевосита дахлдор ғоя ҳисобланади.

Тартибга солилмаган пиёдалар ўтиш йўлакларини хатловдан ўтказиб, светофорлар билан жиҳозлаш бўйича дастур қабул қилиш бўй-ича берилган таклиф ҳам йўлларда ўлим ҳолатлари камайишига ва хавфсиз ҳаракатланиш экотизими-ни яратишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Қайд этилганлардан келиб чи-қиб, партиямиз томонидан илгари суриладиган номзод Улуғбек Илясо-вич Иноятовни ва унинг дастурини тўлиқ қўллаб-қувватлашимни таъ-кидламоқчиман.

Ўйлайманки, Халқ демократик партиясининг Марказий Кенгаши раиси Улуғбек Илясович бўлажак Президент сайловида электорат-тимизнинг манфаатини муносиб ифода этади.

Биз қорақалпоғистонлик партия-дошлар ишонч билан айтаемизки, бугун қабул қилинадиган қарор-ларни тўла қўллаб-қувватлаймиз, белгилаб берилган вазибалар ижросини таъминлашда ҳамда сай-лов жараёни ва ҳар бир босқичида муносиб иштирок этамиз.



Қўллаб-қувватланди



Нигора ЭШМЕТОВА,
ХДП Тошкент шаҳар кенгаши
раиси, халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгаши
депутати, партия гуруҳи
раҳбари:

— Янгиланган Конституция орқали мамлакатимизда ислохотларни бутунлай янгича руҳият билан амалга оширишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Мазкур босқичдаги сиёсий воқеликнинг энг масъулиятли жараёни бу — Президентлик сайловига тайёргарлик ҳисобланади. Халқ демократик партияси ушбу сиёсий тадбирга ўз номзоди билан қатнашиш учун қарорларни қабул қилди.

Мухим жиҳат шундаки, Халқ демократик партияси сайловларнинг барча жараёнларида қатнашган сиёсий куч сифатида катта тажрибага эга. Тўғри, бу катта масъулият, мураккаб йўллардан ўтишни талаб этди.

Бугун мақсадга эришиш учун номзодга тиргак бўлишимиз, уни қўллаб-қувватлашимиз керак.

Номзодимизнинг ҳаракатлари самара бериши учун биз биргаликда ҳаракат қилишимиз лозим.

Айниқса, жойларда партияимиз фаоллари ҳар бир ҳаракатини аниқ ўйлаб, жиддий ёндашган ҳолда амалга ошириши лозим. Демак, бугундан профессионал қадам қўйиш зарур. Ҳар бир ҳудуддаги лидерларимиз эндиликда янада фаол бўлиши талаб этилади.

Дастурга келадиган бўлсак, ундаги профессионал ёндашув ҳамда кўтарилган ҳаётий масалаларнинг ҳар бири муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, тиббий сўғуртани босқичма-босқич жорий қилиш ғояси илгари сурилмоқда.

Биз давлатга, ҳукуматга кўпроқ жиддий талаблар қўйяпмиз. Лекин ушбу масалада жамият-



нинг роли катта эканини ҳам унутмаслик керак. Зеро, инсоннинг соғлом бўлиши биринчи навбатда унинг ўзига боғлиқ. Шунинг учун аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини ривожлантириш ва тиббий маданиятни оширишга ҳам алоҳида урғу бериш, таклифлар киритишимиз керак.

Мен номзодимизни шу йўналишдаги мақсадлари учун ҳам қўллаб-қувватладим.



Гулнора МАРУФОВА,
Олий Мажлис
Сенатининг
Хотин-қизлар ва
гендер тенглик
масалалари
қўмитасида
доимий асосда
ишловчи
сенатори:

— 2023 йилда мамлакатимиз тарихида янги бир саҳифа очилди десам, хато бўлмайди. Нега деганда, аввало халқимиз ўз сиёсий иродасини ифода этиб, янгиланган Конституцияни қабул қилган бўлса, 9 июль кuni мuddатидан илгари Президент сайлови ўтказилиши белгиланди.

Ҳар қандай сайлов – бу сиёсий партиялар учун имконият. Бугун сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳити тобора ривожланиб, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки кенгаётган бир пайтда аниқ, ҳаётий ва аҳоли манфаатларига мос мақсад-вазифаларни ўз зиммасига олиш муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, партияимизнинг ўз олдига қўйган ғоя ва мақсадлари бугунги замон талабига мутаносиб, давр тақозо этаётган муҳим масалалар эканлиги билан аҳамиятлидир.

Юқорида, таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловда партияимизнинг муносиб иштирокини таъминлашимиз бугунги кундаги энг муҳим сиёсий вазифамиздир.

Ушбу жараёнда партияимиз янгиланган Конституциядан келиб чиқиб, дастуриимизни ҳам тубдан қайта кўриб чиққаётганимиз, унга халқимизни ҳозирги кунда ўйлантираётган долзарб масалалар бўйича аниқ чечимлар киритаётганимиз ўз вақтида амалга оширилмоқда, деб ўйлайман.

Аввало партияимиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатилаётган Улуғбек Илясовичнинг шахси ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. У киши оддий ўқитувчиликдан чиқиб, таълим соҳасига кўп меҳнати синган, ҳаётнинг паст-баландини яхши билладиган, камтарин инсон. Сиёсатда, давлат ва жамоат ишларида катта тажрибага эга, ўз соҳасининг етук мутахассиси, юртимиз равнақи ва тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда.

У кишининг партияимиздан Президентлик учун номзод сифатида кўрсатилишини ва бугунги илгари сурилган дастурни қўллаб-қувватлайман. Улуғбек Илясовични номзодликка ҳар томонлама лойиқ инсон, деб биламан.

Президент сайловида партияимиздан номзод – Улуғбек Илясович томонидан илгари сурилаётган дастурдаги асосий мақсад сифатида давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини самарали амалга ошириш механизmlарини белгилаш ҳамда демократик ижтимоий давлатни барпо этиш белгиланганлиги барқарор ривожланиш ва жамият фаровонлигини ошириш сари аниқ чораларни амалга оширишга ундайди.

Янги тахрирдаги Конституцияда пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар миқдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. Бирок, бугунги кунда ҳар бир инсоннинг бирламчи ҳаётий эҳтиёжларига етадиган энг кам истеъмол харажатларини ҳисоблаб чиқариш бўйича жамиятда саволлар борлигини тан олишимиз керак. Шунинг учун дастурда энг кам истеъмол харажатларини қонун даражасида белгилаш мақсадида “Энг кам истеъмол харажатларини белгилаш тартиби тўғрисида”ги Қонунни қабул қилишнинг киритилганлиги халқаро стандартлар асосида минимал истеъмол харажатларини ҳисоблаб чиқариш имконини беради.

Партияимиз номзодининг эҳтиёжманд шахсларга ажратилаётган моддий-ижтимоий ёрдам маблағлари манзилли ва мақсадли этиб бориши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш ташаббусини илгари сураётганлиги ҳам бугунги кунда давлат маблағларининг ўз эгасига этиб боришини, соҳадаги коррупциявий ҳолатларнинг бартараф этилишини таъминлашга хизмат қилади. Назорат қилувчи органларнинг ресурслари чекланганлиги сабабли жамоатчилик назоратини кучайтириш орқалигина ижтимоий ҳимоя соҳасига йўналтирилаётган маблағларнинг самарадорлиги таъминланади.

Ушбу сайлов партияимизнинг сиёсий мавқеи ва имиджини ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириши учун имкониятдир. Бунда, аввало, партияимиз фаолиятини тарғиб қилиш, етакчиларимизни сиёсий майдонга олиб чиқиш, янги номзод тўғрисида электоратимизни, сайловчиларимизни хабардор қиладиган муҳитни яратишимиз зарур.

Шуни айтишим керакки, сайловолди тарғиботи жараёнларида партияимиз ташкилотлари хузурида ташкил этилган “Тарғиботчилар гуруҳи”, “Ёшлар” ва “Аёллар” қанотлари аъзолари имкониятларидан самарали фойдаланишимиз зарур. Олдимизда турган муҳим сиёсий жараёнларда ҳар бир партия аъзоси, депутатлар, туман, шаҳар Кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари, барча имкониятларини ишга солиши, шижоат билан ишлаши лозим.

Сўзимнинг якунида, Қурултой кун тартибига киритилган қарор лойиҳаларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, партияимизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида муносиб иштирок этишида ҳар бир партия аъзоси, депутатлар, туман, шаҳар Кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари, фаолларимизга солиқ-саломатлик ва муваффақият тилаб қоламан.



Эркин ГАДОВЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
Бюджет ва иқтисодий
ислохотлар масалалари
қўмитаси раиси:

ўсиши учун асосий туртки, импульс бўлиб хизмат қилади. Партиялар ғояларни кўтариб чиқувчи, фикрлар берувчи ва жамиятни ривожлантиришга ундовчи, уни назорат қилувчи кучга эга бўлган сиёсий ташкилот ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, партияимиз сайловда ўз номзоди билан қатнашиш бўйича ишларни биринчилардан бўлиб бошлаб юборди.

Бугунги қурултойда ҳам мамлакатимиз сиёсий ҳаёти учун муҳим бўлган Президент сайловида партияимизнинг иштироки ва муносиб номзодни кўрсатиш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинмоқда.

Мен ҳам партияимиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида илгари сурилаётган Улуғбек Илясовични тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Мен у кишини кўп йилдан бери яхши биламан. У давлат бошқаруви ва сиёсат соҳасида ҳамда партия-

— Ҳар қандай сайлов демократиянинг кўзгуси ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам сайловлар орқали халқимиз ўз номзодини сайлайди. Бу муҳим конституциявий ҳуқуқ.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон сайлов қонунчилигида жуда катта ўзгаришлар бўлди. Сиёсий партияларнинг сайловлардаги ўрни ортди. Улар жуда катта имкониятларга эга бўлди.

Партиялар бир-бири билан ўзаро рақобатлашиб, жамиятнинг

миз олдида турган дастурий мақсад ва вазифаларни самарали бажариш учун етарли тажриба ва кўникмага эга.

Бугун партияимиздан мuddатидан илгари Президентлик сайловида иштирок этувчи номзод – ўз дастурининг асосий мазмунини тушунтириб берди. Дастурнинг устувор жиҳатлари жуда кўп, уларнинг айримлари бўйича ўз муносабатимни билдирмоқчи эдим.

Хусусан, дастурда давлат ва жамият қурилишини ислох қилишнинг асосий йўналиши сифатида ижроия ҳокимияти фаолиятини янада такомиллаштириш, у томонидан ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда сиёсий партиялар фракциялари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан маслаҳатлашув ўтказиш механизмининг жорий этиш таклиф этилмоқда.

Қайд этиш керакки, ушбу ғояни амалга киритиш орқали мамлакат сиёсий ҳаётида сиёсий партияларнинг роли, ҳукуматнинг эса ҳисобдорлиги ва масъулияти ошади. Аҳоли учун муҳим масалалар бўйича қарорлар турли аҳоли қатламлари манфаатларини ифодаловчи сиёсий партиялар билан бамаънаҳат қабул қилинса, жамиятнинг хавотирини уйғотиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олди олинишига, самарали ижтимоий мулоқот ўрнатилишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, дастурда демографик жараёнларни тизимли ўрганишни йўлга қўйиш орқали, давлатнинг истиқболдаги ижтимоий мажбуриятларини аниқ белгилаб бориш тизимини жорий этиш лозимлиги қайд этилган. Ҳақиқатан ҳам юртимиз аҳолиси ҳар йили қарийб бир миллионга кўпайиб бораётганлиги сабабли ахборот технологияларини қўллаган ҳолда катта маълумотларни таҳлил қиладиган технологияларга ўтиш лозим. Маълум бир ҳудудда 3, 5 ва 10 йилдан кейин нечта мактаб ва поликлиникага эҳтиёж бўлишини тизимли асосда ўрганиб, режалаштиришимиз давр талаби ҳисобланади.

Сўзим якунида барчани бугунги Қурултойда муҳокама қилаётган қарорларимиз, белгилаб олаётган чора-тадбир ва режаларимизни ҳамда таклиф этилаётган номзодни ва унинг дастурини қўллаб-қувватлайман.



ИЗДОШ БЎЛМОҚ СОАДАТИ

МАМЛАКАТИМИЗДА КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА БАРЧА СОҲАЛАР ҚАТОРИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҲАМ КАТТА ЎЗГАРИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ЮРТИМИЗДАГИ НУФУЗЛИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ДАРГОҲЛАРИ, ШУНИНГДЕК, ХОРИЖИЙ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ФИЛИАЛЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ БОШЛАШИ, НОДАВЛАТ ВА ХУСУСИЙ СЕКТОРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ИЖОБИЙ ҲОЛАТ БЎЛДИ. БУ БИЛАН ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ҚАМРОВИ КЕНГАЙГАН БЎЛСА, ИККИНЧИ ТОМОНДАН ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎРТАСИДА ИЖОБИЙ МАЪНОДАГИ ЎЗАРО РАҚОБАТ ТАЪМИНЛАНМОҚДА.

ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ УРГУТ ФИЛИАЛИНИНГ ФАОЛИЯТИ ҲАМ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ АНА ШУ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ САМАРАСИ ҲИСОБЛАНАДИ. УШБУ ФИЛИАЛДА ПЕДАГОГИКА, АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ҲУДУДДА КАДРЛАРГА ЭҲТИЁЖ ЮҚОРИ БЎЛГАН БОШҚА СОҲАЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА.



— Олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар соғлом рақобат муҳитини яратиш, таълим сифатини ошириш, таълим олиш истаfigида бўлган ёшларимизга кенj имкониятлар ва шарт-шароитлар яратишга хизмат қилмоқда, — дейди Самарқанд давлат университетининг Ургут филиали директори Қувондиқ Ярашев. — Филиалимиз мамлакатимиздаги катта ўқув-илмий салоҳиятга эга бўлган СамДУнинг таркибий бир қисми сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бу эса бизнинг зиммамизга янада катта масъулият юклайди. Шундан келиб чиққан ҳолда ўқув жараёнларига малакали профессор-ўқитувчиларни жалб қилганмиз. Жумладан, ҳозирда 1 нафар фан доктори, профессор, 1 нафар фан номзоди, профессор, 3 нафар фан номзоди, доцент, 11 нафар фалсафа доктори (PhD) ва 15 нафар ассистент 510 нафардан зиёд талабага сабоқ бермоқда.

Филиалда иқтидорли талабаларни танлаш, улар билан мунтазам ишлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш юзасидан тизимли ишлар йўлга қўйилган. Хусусан, бакалаврият таълим йўналишлари талабалари орасидан илмга чанқоқ ҳамда илмий-тадқиқотлар билан шуғулланишни истаганлар учун «Ёш илмий-тадқиқотчилар», «Креатив ёшлар», «Ёш дастурчилар», «Ёш иқтисодчилар», «Интеллект» ҳамда спорт тўғрисидаги ташкил этилган. Филиалда жами 115 нафар талаба илмий тўғрақлар аъзолари ҳисобланади ҳамда талабалар томонидан турли учрашув, суҳбат, семинар-тренинглар ва машғулотлар белгиланган режа асосида ўтказилиб келинмоқда.

— Самарқанд давлат университети Ургут филиалида иккита факультет, учта кафедра фаолият олиб бормоқда, — дейди суҳбатдошимиз биз билан суҳбатда. — Педагогика ва тилларни ўқитиш факультетида мактабгача таълим, бошланғич таълим, ўзбек тили ва адабиёт, ўзга тилли гуруҳларда рус тили, хорижий тил ва адабиёт, инглиз тили таълим йўналишлари мавжуд. Бизнесни бошқариш ва табиий фанлар, деб номланган иккинчи факультетимизда

математика ва информатика, кимё, биология, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқ ва соҳалар бўйича), география ва иқтисодий билим асослари каби йўналишлар бор.

Мактабгача таълим ва педагогика кафедрасида бугунги кунда 8 нафар профессор-ўқитувчи, 1 нафар доцент, 4 нафар ассистент, 3 нафар ўқитувчи-стажёр фаолият юритмоқда. Кафедрада инглиз тили, немис тили, француз тили, умумий педагогика, умумий психология, бошланғич математика курси назарияси, жисмоний тарбия назарияси ва методикаси, назарий фонетика, амалий фонетика, тилларни ўқитиш методикаси ҳамда таълим технологияси, асосий ўрганилаётган тил (инглиз тили) фанларидан дарслар ўтилади.

Гуманитар фанлар кафедраси томонидан талабаларга тилшунослик асослари, тилшуносликка кириш, адабиётшунослик асослари, адабиётшуносликка кириш, ўзбек фольклори, эски ўзбек ёзуви, она тили ва болалар адабиёти, Ўзбекистоннинг янги тарихи, маънавиятшунослик, фалсафа, ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек диалектологияси, фонетика, ўзбек тили, рус тили фанлари ўтилади. Кафедрада 12 нафар профессор-ўқитувчи, 2 нафар доцент, 2 нафар (PhD), 6 нафар ассистент ва 2 нафар ўқитувчи-стажёр фаолият кўрсатмоқда.

Бизнесни бошқариш ва табиий фанлар кафедрасида 9 нафар профессор-ўқитувчи фаолият юритади. Кафедрада банк иши, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодиёт назарияси, микроиқтисодиёт, микро-макроиқтисодиёт, иқтисодчилар учун математика, ахборот технологиялари, кимё, экология ва табиатни муҳофазаси қилиш, болалар анатомияси ва физиологияси, математик анализ, алгебра ва сонлар назарияси, дастурлар асослари ва тиллари, ботаника, зоология, иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари, бизнес бошқарувига кириш, чизикли алгебра ва аналитик геометрия, алгоритмик тиллар ва дастурлаш, информатика асослари фанларидан дарслар ўтилади. Кафедрада 4 нафар фан номзоди, 5 нафар ўқитувчи-стажёр фаолият юритади.

Этиборлиси шундаки, бугунги кунда кафедраларнинг ҳар бирида фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. «Хорижий ва аниқ фанларни ўргатишда педагогик ёндашув», «Ижтимоий гуманитар фанларни ўқитишни сифатли таълим талаблари асосида ташкил этиш», «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш асосида бизнес бошқарувида математик моделлаштиришни татбиқ этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлар шулар жумласидан саналади.

— Юқорида айтганимдай, филиалимиз мамлакатимизда ўз ўрнига эга бўлган



— Олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар соғлом рақобат муҳитини яратиш, таълим сифатини ошириш, таълим олиш истаfigида бўлган ёшларимизга кенj имкониятлар ва шарт-шароитлар яратишга хизмат қилмоқда, — дейди Самарқанд давлат университетининг Ургут филиали директори Қувондиқ Ярашев.

Самарқанд давлат университетининг таркибида фаолият кўрсатмоқда, — дейди филиал директори Қувондиқ Ярашев. — Бу нуфузли олий таълим даргоҳига муносиб бўлмоқлик, энг муҳими, талабаларнинг, уларнинг ота-оналарининг бизга билдираётган ишончини оқлаш олдимизда турган муҳим вазифа саналади. Ургут иқтисодий салоҳияти билан бир қаторда аҳоли сонининг кўплиги бўйича ҳам Самарқанд вилоятида етакчи ўринда туради. Ўзим ҳам шу туманда туғилиб, вояга етганим туфайли ҳудудда қайси йўналишдаги салоҳиятли кадрларга талаб катта эканини яхши биламан. Жамоамиз билан маслаҳатлашган ҳолда фаолиятимизни белгиланган ўқув дастурлари билан бирга талаб-эҳтиёжга ҳам қараб йўлга қўйиб бораяпмиз. Бу уйғунлик йўлайманки, кутилган натижани беради.

Суҳбатимиз давомида маълум бўлдики, Қувондиқ Ярашев Самарқанд давлат университетининг география факультетида таҳсил олган. Ўқидан кейинги фаолияти ушбу университетдаги география факультети билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, лаборантликдан кафедра мудирлигигача бўлган йўлни босиб ўтди. Илмий ишни ёқлаб, география фанлари доктори соҳиби бўлди. Биз сўз юритаётган филиал ташкил этилгач, устозларининг

оқ фотиҳаси билан директор бўлиб иш бошлади.

— Ота-онам биз, фарзандларини оддийлик ва камтаринлик билан тарбиялаб, ҳеч қачон кибр, манманликка берилманглр, эл-юртга нафи тегадиган инсон бўлинглар, деб вояга етказишган, — дейди Қувондиқ Ярашев. — Инсон қаерда бўлишидан ва қандай жойда яшашидан қатъий назар ҳар бир ишга одамийлик билан ёндашиб, иш тутса, ҳар доим юзи ёруғ бўлади. Ота-онасига, оиласига, туғилиб ўсган Ватанига бўлган меҳр-муҳаббат ва садоқат ҳам аслида бир фазилат. Яхшилик қилиш, яхши ном қолдириш, ўзига нисбатан талабчан ва бир сўзли бўлиб, лафзида туриш инсонни улуғлайди, танлаган касбидан ҳурмат-этибор ҳам топади. Дунёдаги барча яхши фазилат ва хислатларни кўнгилларинга жойлаб, шунга амал қилиб яшанглр болажонларим, деб шу сўзларни дастурхон атрофида ҳар дуоларида бизларга эслатар эдилар, бу ўғитлар ҳалигача қўлғим остида жаранглаб туради. Ота-онамизнинг фарзанд тарбияси бўйича берган қимматли ўғитлари ҳам бизга ҳаётда маёқ бўлиб хизмат қилмоқда. Ота-онанинг ўз фарзандларига тўғри таълим-тарбия бериб, уларнинг оилада, жамиятда ўз ўринларини топишига қўмаклашиши дунёдаги энг эзгу иш. Билимни, зиёли бўлинглар, бундай инсонлар юрагида нур, яхшиликлар яшайди ва у атрофга қуёшдек чарақлаб нурларини сочиб туради, дердилар. Отам Сафар Ярашев, онам Марҳамат Раҳмонова фарзандлари билан бирга невараларини ҳам тўғри, ҳалол бўлишга ундаб, яхши тарбия берганлар. Улар бизнинг қанотларимиз, бахтимизга доимо ёнимизда бор бўлишсин, уларнинг фарзандларига қилган дуолари доимо бизга қуч-қувват бағишлайди. Дастурхон атрофида, уйимиз остонасидан чиқишдан олдин уларнинг дуоларини оламиз, руҳиятимиз энгил бўлиб янада катта мақсадлар билан иш бошлаймиз. Яратганга шукроналик келтирамиз, яхши муҳитда, яхши оилада тарбия топганимизга. Илоҳим, биз, фарзандларининг, невараларининг роҳатларини кўриб, бахтимизга доимо соғ-саломат юришсин.

Турмуш ўртоғим Наргизахон билан тўрт нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказяпмиз. Катта қизим Нигора Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси, Олимжон Қуролли Кучлар академияси курсанти. Хумора билан Қурбонали мактаб ўқувчиси. Фарзандларимизнинг камолини кўриш юртимиздаги тинчлик-осойишталик билан бевосита боғлиқ. Бугун юртимизда эл-юрт равнақи, тинчлиги, осойишталиги йўлида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Ҳамиша мана шу юрт, Ватан учун яхши ишлар қилиб, ривож, тараққиёти учун хизмат қилайлик. Илоҳим, тинчлик-осойишталигимизга қўз тегмасин, деймиз!

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.

МУАССИС:

O'zbekiston ovozi

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan ABDUNAZAROV

Sahifalovchi: Nuzod SHODIYEV

Г — 536. 17006 Nuxkada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 01:20

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.